# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!


Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 11 сентябрь • № 36 (1057)


### *Парламентда*

## БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

### аҳоли саломатлигини сақлашнинг бош омили

**Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2015 йил биринчи ярим йиллик якунлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилмоқда.**

Йиғилишларда мамлакатимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотлар тизимли давом эттирилаётганлиги, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишларини ҳамда 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари изчил амалга оширилаётганлиги, ҳисобот даврларида иқтисодиётнинг юқори барқарор суръатларда ўсганлиги ва макроиқтисодий мувозанат таъминланганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, ҳисобот даврида Давлат бюджетининг ижросини таъминлашда асосий эътибор ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ҳамда бошқа биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга, Давлат бюджетининг ғазна ижроси ҳамда самарадорлигини таъминлашга қаратилганлигига алоҳида тўхталиб ўтилди. Иқтисодиётда 2015 йилнинг биринчи ярим йиллик давомида эришилган ижобий-таркибий силжишлар, сифатли ўзгаришлар ва тенденциялар унинг барқарор ва балансли ривожланишини таъминлади, аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишига кўмаклашди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини 119,9 млрд. сўмлик ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этиш имконини берди.

Тадбирда 2015 йилнинг биринчи ярим йиллик якунларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 10017,8 млрд. сўм ёки умумий харажатларнинг 59,2 фоизи миқдорида маблағ ажратилганлиги ва бу харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,9 фоизни ташкил этганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, 2015 йил биринчи ярим йилда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар изчил ва тизимли асосда давом эттирилди. Ўтган 2015 йилнинг биринчи ярим йилида соғлиқни сақлашни ривожлантиришга Давлат бюджетидан 2299.3 млрд. сўм (ижтимоий соҳага ажратилган маблағнинг 23.0 фоизи) ёки 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 13.3 фоизга кўп харажат қилинган.

Шунингдек, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида кексаларга зарур эътибор бериш ва хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш бўйича тадбирлар фаол амалга оширилмоқда.

Йиғилиш давомида кун тартибидаги масала юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар вакилларининг ахборотлари тингланди.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги амалга оширилган ишлар ва 2015 йил давомида бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида"ги, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг "2015 йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг даромад ва харажатларининг бажарилиши ҳамда 2015 йил якунига қадар амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида"ги ахборотлари эшитилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, ҳисобот даврида айрим бюджет ташкилотларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланишига, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётганлиги муҳокамаларда депутатларнинг танқидий эътирозларига сабаб бўлди.

Шунга кўра, депутатлар томонидан бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлашга мутасадди вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга риоя этилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш ҳамда улар ижросини тўлиқ таъминлаш борасида амалий таклифлар билдирилди.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

### *Конгресс*

## ГЛАВНАЯ ЦЕЛЬ — ОХРАНА ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ




***Медицина сегодняшнего дня развивается стремительными темпами. В практику внедряются современные методы оказания помощи населению, совершенствуется материально-техническая база медицинских учреждений, уделяется пристальное внимание подготовке и переподготовке молодых специалистов. И это обязывает держать руку на пульсе и своевременно быть в центре новых событий, происходящих в мире медицины, ибо наши цели направлены на одно – охрану здоровья населения.***



7-9 сентября текущего года в гостинице International Hotel Tashkent состоялся международный конгресс Ассоциации гепатопанкреатобилиарных хирургов и трансплантологов стран СНГ на тему "Актуальные проблемы гепатопанкреатобилиарной хирургии". Форум, организованный совместно с Министерством здравоохранения Республики Узбекистан, Республиканским специализированным центром хирургии имени академика В.Вахидова (РСЦХ) и Ассоциацией гепатопанкреатобилиарных хирургов стран СНГ был приурочен к 40-летию Республиканского специализированного центра хирургии имени академика В.Вахидова. Открыл международный конгресс заместитель премьер-министра Республики Узбекистан Адхам Икрамов.

Следует отметить, что конгресс ежегодно проводится одной из стран-участниц ассоциации. В этом году он собрал врачей, ведущих ученых и молодых специалистов из около 20 стран. Среди них ученые из Южной Кореи, Китая, Японии, Индии, Франции, России.


**(Окончание на 2-стр.)**

*Конгресс*

# ГЛАВНАЯ ЦЕЛЬ – ОХРАНА ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ

(Окончание. Начало на 1-й стр.)

Если углубиться в историю, впервые конгресс был проведен в 1991 году в Узбекистане. И в очередной раз его проведение совпало с этой датой не случайно, ведь в стенах РСЦХ была воспитана целая плеяда известных ученых и высококвалифицированных хирургов, которые ведут свою деятельность во всех регионах нашей республики и за ее пределами.

Благодаря Указу Главы нашего государства “О Государственной программе реформирования системы здравоохранения Республики Узбекистан” на сегодняшний день в данном направлении произошли кардинальные изменения. Это событие позволило достигнуть больших результатов во всех отраслях медицины. Не обошли эти изменения и хирургию. На сегодняшний день Республиканский специализированный центр хирургии им. академика В. Вахидова зарекомендовал себя как один из ведущих центров в Средней Азии, в котором успешно проводятся самые сложные хирургические вмешательства на печени и поджелудочной железе, реконструктивные операции на внепеченочных желчных протоках и операциях при портальной гипертензии.



Как известно, международная общественная организация “Ассоциация хирургов-гепатологов” является крупнейшим объединением ведущих специалистов стран СНГ, которые вносят свою лепту в здравоохранение. Целью создания ассоциации, насчитывающей более 500 членов из стран Евро-Азиатского региона является улучшение качества оказания гепатологической помощи населению путем сплочения самых ведущих специалистов воедино, используя традиции и методики ведущих школ хирургии.

Научная программа конгресса включает в себя обсуждение вопросов хирургической гепатологии и панкреатологии, результатов портосистемного шунтирования и трансплантации печени при портальной гипертензии, нейроэндокринных опухолях поджелудочной железы, первичном раке печени. А также в рамках работы конгресса была организована секция молодых ученых по проблемам диагностики и хирургического лечения заболеваний печени, желчевыводящих путей и поджелудочной железы.

В работе конгресса затрагивались актуальные вопросы по лечению и профилактике заболеваний органов гепатопанкреатобилиарной зоны, а специалисты как нашей республики так и гости конгресса получили ценный взаимообмен информацией и накопленного опыта, что несомненно важно для дальнейшей практической деятельности.



До открытия первого пленарного заседания конгресса состоялась церемония награждения членов Ассоциации гепатопанкреатобилиарных хирургов и трансплантологов стран СНГ. Достойные члены Ассоциации были награждены медалью Республиканского хирургического общества Узбекистана, медалью Ассоциации гепатопанкреатобилиарных хирургов стран СНГ, медалями А.В. Вишневского и А.А. Вишневского, дипломами “Почётный член Ассоциации гепатопанкреатобилиарных хирургов стран СНГ”, призами к 20-летнему юбилею журнала “Анналы хирургической гепатологии”.

В ходе проведения конгресса мы побеседовали с его участниками.

**Феруз НАЗИРОВ, профессор, директор Республиканского специализированного центра хирургии им. академика В. Вахидова (Узбекистан):**

– Международный конгресс Ассоциации гепатопанкреатобилиарных хирургов и трансплантологов стран СНГ – это огромное событие, которое является фактором, предопределяющим дальнейшее развитие данной сферы хирургии. Это сплочение умов, опыта, новых достижений, решение актуальных вопросов. За годы независимости система здравоохранения Республики Узбекистан в корне изменилась. Согласно Указу Президента Республики Узбекистан “О Государственной программе реформирования системы здравоохранения” была проделана огромная работа по строительству и реконструкции новых медицинских учреждений. На сегодняшний день в республике ведут успешную деятельность специализированные медицинские центры. Как и в столице, так и за ее пределами качество оказываемой медицинской помощи отвечает всем международным требованиям. Благодаря трепетной поддержке была усовершенствована материально-техническая база медицинских учреждений, особый акцент делается на подготовку квалифицированных специалистов. И благодаря этому, в настоящий период мы достигли значимых результатов во многих направлениях научно-практической медицины. Улучшение качества хирургической помощи пациентам с диффузными и очаговыми заболеваниями паренхиматозных органов брюшной полости, патологией желчевыводящих и панкреатических протоков стало одним из объективных критериев позитивных результатов реформирования. Хотелось бы особо отметить, что в этом году мы отмечаем 40-летие создания Республиканского специализированного центра хирургии им. В. Вахидова. И проведение данного конгресса параллельно со столь важным событием сделало его еще знаменательнее потому, что он совмещен с Республиканской научно-практической конференцией “Вахидовские чтения – 2015”, которые проводятся согласно указу Президента Республики Узбекистан ежегодно с 1994 года. И здесь же, хочу с огромным удовольствием и почтением вспомнить тех великих ученых, которые стояли у истоков создания нашего центра. Это академики В. Вахидов и У. Арипов, профессор А. Вахидов. Благодаря их огромным усилиям, профессионализму и большому преподавательскому опыту и мастерству, центр на сегодняшний день вошел в круг ведущих международных хирургических центров. Их труды и мастерство, большая любовь к своей профессии навсегда останутся в нашей памяти.



**Генри БИСМУТ, директор Института гепатобилиарной хирургии (Франция):**

– Будучи в Узбекистане, я каждый раз поражаюсь гостеприимности и доброте узбекского народа. Проведение конгресса является важным событием в области хирургии. Эта область медицины сама по себе считается одной из самых глубоких, требующей обширных знаний, высокого профессионализма, мастерства глаз и рук. Ведь когда проходит оперативное вмешательство и в твоих руках находится жизнь человека, важно действовать оперативно и подходить к делу с особой ответственностью. Каждая минута может предопределить исход операции. И будучи хирургом, ты обязан чувствовать, как действовать каждую минуту, нужно уметь предопределить все возможные ситуации, которые могут произойти в период операции.



Если говорить о мастерстве ваших специалистов, я с уверенностью могу отметить, что узбекская школа хирургии является одной из самых сильных. Ваши специалисты со знанием дела проводят даже самые сложные оперативные вмешательства, что, конечно же, подтверждает их мастерство. Пользуясь возможностью, хотелось бы поблагодарить народ Узбекистана за радушный прием и пожелать участникам конгресса больших успехов в их практической деятельности.



**Донг Хван Юн, профессор, руководитель службы гепатобилиарной хирургии и трансплантологии печени медицинского центра Асан (Южная Корея):**

– Участвуя в работе конгресса, хотелось бы в первую очередь, поблагодарить ваш народ за теплый прием. Узбекистан, расположенный в самом центре Великого шелкового пути издавна славится своим гостеприимством. Любуясь красотами вашего солнечного Ташкента ещё раз убеждаешься, что Республика Узбекистан развивается стремительными темпами изо дня в день.

(Окончание на 3-стр.)

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Конгресс*

# ГЛАВНАЯ ЦЕЛЬ – ОХРАНА ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ

Говоря о медицине, а точнее о хирургии, хочу отметить что, ваши специалисты шагнули далеко вперед. Я будучи специалистом в области трансплантологии считаю этот вид деятельности одной из наиболее сложных. Уверенные шаги ваших специалистов в данной отрасли тоже вполне результативны. Сегодня, слушая доклады и выступления ваших специалистов, я уверен, что у вашей медицины светлое будущее.

**Миршавкат АКБАРОВ,**
**профессор, главный хирург**
**Министерства**
**здравоохранения**
**Республики Узбекистан**
**(Узбекистан):**

– Сегодняшний международный конгресс большой праздник для каждого его участника. Мы собираемся каждый год для того, чтобы обменятся ценным опытом, набрать новые знания, и все это для того, чтобы люди были здоровыми.

У нас всегда есть много нового чему можно научить и научиться самому. И конгресс хирургов-гепатологов является своеобразным отражением тех успехов и достижений, которых мы достигли. Болезни печени, желчевыводящих путей и поджелудочной железы на сегодняшний день считаются одними из наиболее часто встречающихся. И для их устранения должны быть собраны все силы, поэтому мы так стараемся. Замечу, что на сегодняшнем конгрессе участвует большое количество молодых специалистов. И это говорит о том, что хорошая подготовка молодых специалистов дает свои ожидаемые плоды. Наша молодежь стремится познавать все более высокие горизонты. Узбекские специалисты успешно проходят обмен опытом за границей и применяют его на практике.

**Хабибулла АКИЛОВ,**
**доктор медицинских наук,**
**профессор**
**(Узбекистан):**

– XXII Международный конгресс Ассоциации гепатопанкреатобилиарных хирургов и трансплантологов стран СНГ посвящен актуальным проблемам и их решению. В нем принимают участие более 200 представителей из почти 20-ти стран, как СНГ, так и со всего мира. И он является одним из главных рычагов в развитии данного направления хирургии. Как известно, охрана здоровья населения является актуальной задачей не только в одной определенной стране, но и по всему миру.

Сегодня, принимая участие в конгрессе, мы с удовольствием выслушали доклады, как узбекских специалистов, так и наших зарубежных коллег. Из них участники мероприятия получили много новой, полезной и познавательной информации.

С гордостью хочу отметить, что наши специалисты сегодня с успехом проводят операции по трансплантации печени.

Проявлением мастерства наших специалистов считается операция по разделению сиамских близнецов, которая была проведена целой командой высококвалифицированных хирургов, анестезиологов, реаниматологов. Данное оперативное вмешательство было признано среди ведущих ученых мира.





Будучи многогранной отраслью медицины, хирургия сегодняшнего дня быстро развивается. Хирургами осваиваются и используются все новые методы диагностики лечения. И в результате врачам удается спасти жизнь своих пациентов. А это, согласитесь, самое главное для каждого медицинского работника.

**Виктор ЦВИРКУН,**
**доктор медицинских наук,**
**профессор,**
**(Россия):**

– На данном мероприятии самым главным, на мой взгляд, является то, что оно вобрало в себя большое количество специалистов из разных стран мира. А это подразумевает под собой обмен навыками, совместный подход в решении актуальных задач, которые мы поставили перед собой. Гепатопанкреатобилиарная хирургия очень развита в вашей стране. Благодаря опыту и трудам В. Вахидова, У.Арипова и других, данное направление ушло далеко вперед. Радует то, что дело, начатое этими великими людьми, врачами с большой буквы сегодня продолжают их ученики. Оно развивается, появляются новые очертания, оно живет, а это главное.

Особо примечателен тот факт, что конгресс интересен не только для ведущих ученых, но и для молодых специалистов. Ведь недаром говорится, с какой любовью ты взрастишь деревце, такие плоды оно и подарит. Желаю чтобы многосторонний обмен опытом между специалистами-участниками служил общему делу – здоровью людей.

**Субаш ГУПТА,**
**директор Центра изучения**
**заболеваний печени и**
**желчных путей госпиталя**
**Indraprastha Apollo**
**(Индия):**

– Каждый раз, будучи в вашей стране, я становлюсь свидетелем все новых изменений. Эти изменения отражаются не только во внешнем облике, но и во всех отраслях, будь то легкая промышленность, образование или здравоохранение. Но так как, все мы представители системы здравоохранения, в первую очередь, обращаем внимание на развитие данного направления. Возведение охраны здоровья населения в ранг государственной политики страны является большим стимулом для самореализации медицинских работников. Радует то, что медицинские учреждения страны оснащены современной медтехникой, отвечающей международным требованиям. Будучи участником международного конгресса, хочу особо подчеркнуть, что узбекская хирургия славится своим богатейшим опытом. И несомненно, это большое достижение вашей страны – иметь столь мощный специализированный центр хирургии. В ходе конгресса теория переплетается с практикой, поднимаются актуальные вопросы требующие коллективного решения. И вместе мы обязательно достигнем намеченных целей.

**Юлдашали ЭГАМОВ,**
**профессор кафедры**
**хирургии Андижанского**
**государственного**
**медицинского института**
**(Узбекистан):**

– Проведение очередного конгресса в столице нашей республики стало большим событием для нас. Сегодня общаясь с нашими коллегами, мы все приходим к единому мнению, что взаимный обмен опытом несомненно очень важен. Ведь порой, в медицинской деятельности ты сталкиваешься с вопросами, которые решаются благодаря обмену мнениями и опытом.

Благодаря таким конгрессам с международным участием мы пополняем копилку знаний новостями, действительно полезными для нас.

Сегодня, как и в столице, так и у нас – в городе Андижане проводятся сложные операции на печени, желчном пузыре и поджелудочной железе. Конечно, наряду с уже проделанной работой у нас есть много намеченных задач. Для их реализации требуется непрерывное расширение знаний, работа над собой, а для этого у нас в республике созданы все необходимые условия.

**Амангелды АСАБАЕВ,**
**доктор медицинских наук**
**(Казахстан):**

– Проведение XXII Международного конгресса ассоциации гепатопанкреатобилиарных хирургов и трансплантологов стран СНГ для меня является двойным праздником. Во-первых, его проведение приурочено к 40-летию создания РСЦХ им. академика В. Вахидова, а во-вторых, я сам являюсь воспитанником данного центра. И видеть моих преподавателей и коллег через десять лет для меня большой праздник. РСЦХ им. академика В. Вахидова является одним из ведущих центров Центральной Азии, в котором золотыми руками специалистов осуществляются самые сложные оперативные вмешательства. На сегодняшний день я веду свою деятельность в Астане, и считаю что, все чего я достиг на сегодняшний день – это заслуга моих наставников и моей альма-матер – центра хирургии, за что им огромное спасибо.

Благодаря сегодняшнему международному конгрессу решаются важные актуальные проблемы гепатопанкреатобилиарной хирургии, поставленные перед ними. Всех ученых, присутствующих здесь объединяет одно – стремление улучшить здоровье пациентов.

**Дмитрий ГРАНОВ,**
**профессор, член-**
**корреспондент РАН**
**(Россия):**

– Мы не случайно собрались сегодня на международном конгрессе гепатопанкреатобилиарных хирургов и трансплантологов стран СНГ. Это мероприятие сплотило многолетний опыт ведущих школ хирургии, а также их представителей, будь то хирурги, интервенционные радиологи, анестезиологи – послушать и порадоваться новостям происходящем в мире медицины, поделиться накопленным опытом и обменяться им с нашими многочисленными коллегами.

Хочу с особой гордостью отметить деятельность Республиканского специализированного центра хирургии имени академика В.Вахидова, как одного из международных хирургических центров. Благодаря профессионализму и самоотдаче ваших специалистов, вы достигли больших результатов в деле охраны здоровья населения.



В ходе проведения форума участники имели возможность ознакомиться с выставкой, повествующей об успехах Узбекистана, достигнутых за 24 года независимости в сфере здравоохранения. К тому же, был продемонстрирован документальный фильм, который произвел большое впечатление на зрителей.

В рамках конгресса были проведены пленарные заседания и мастер-классы, на которых специалистами обсуждались вопросы современной диагностики и лечения болезней печени, желчных путей и поджелудочной железы. В ходе данных мастер-классов ученые как отечественные, так и из зарубежных стран представили презентации и доклады по данной тематике. Был проработан ряд вопросов и был найден путь решения, который послужит дальнейшему развитию медицины в данной области.

**Подводя итог всему вышесказанному, хотелось бы отметить, что проведение столь масштабного форума в столице нашей республики стало большим событием в мире медицины в целом. Будучи большим, но вместе с этим интересным и, конечно же, не легким направлением в хирургии, гепатопанкреатобилиарная хирургия и трансплантология вызывает живой интерес среди ученых. И в данной отрасли из года в год проводятся новые открытия и ведутся научные исследования. И это еще раз подчеркивает актуальность проведения форума. Он позволил специалистам-участникам еще раз просмотреть весь перечень дел, которые были осуществлены до этого дня в данном направлении. К тому же, они поставили перед собой еще новые, более трудные задачи, в выполнении которых важную роль, несомненно сыграет весь багаж знаний и опыта накопленного в ходе форума.**

**Ирода ИЛЬХАМОВА.**
**Фото**
**Ибодат СОАТОВОЙ.**

**(Окончание.**
**Начало на 1-2-й стр.)**

*Дастур ижроси амалда*

# АСОСИЙ МАҚСАД: ФАОЛИЯТЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИДИР

**"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг III бўлими ижроси юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан саккиз ой давомида муайян ишлар амалга оширилиб, самарали фаолият олиб борилди. Жумладан, дастурнинг III бўлимида "Нуронийлар ҳамда ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, тизимли соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактик тадбирларни кенгайтириш, кўз ва эшитиш органлари, таянч-ҳаракат тизими ва қон-томир касалликларини даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш, кекса ва ногиронларни реабилитациянинг техник ва бошқа ёрдамчи воситалари билан таъминланишини, шунингдек, имтиёзли асосда таъминотини ошириш, кекса инсонларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган санатор-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш" вазифаларига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул этиб тайинланган эди. Бу борада вазирлик томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди.**




Жумладан, қарияларда сурункали, яширин кечувчи ва илгари аниқланмаган касалликларни эрта аниқлаш, мавжуд касалликлари асоратланишининг олдини олиш йўли билан профилактика тадбирларини кучайтириш мақсадида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг 7-9 нафар тор мутахассислари (невропатолог, оториноларинголог, офтальмолог ва бошқалар) ҳамда ҚВП, оилавий поликлиникаларнинг умумий амалиёт шифокорларидан иборат гуруҳлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи қариялар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

2015 йилнинг саккиз ойи давомида етти марта "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида республика қишлоқ туманларининг узоқ ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудларида жойлашган қишлоқ врачлик пунктларига бириктирилган 205 мингдан зиёд қария республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва тиббиёт олий ўқув юртларининг 300 нафардан ортиқ етакчи мутахассислари иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 150935 нафари амбулатор шароитда, 16709 нафари туман ва вилоят шифохоналарида, 2284 нафари республика даволаш-профилактика муассасаларида даволаниши назоратга олинди.

Шунингдек, 70563 нафар уруш ногирони, қатнашчилари ҳамда меҳнат фронти фахрийлари тиббий кўрикдан ўтказилиб, 35367 нафари амбулатор шароитда, 6340 нафари стационарда, 22512 нафари уйда соғломлаштирилди, 6344 нафарига эса санаторийда соғлигини тиклаши учун тавсия берилди. Бундан ташқари, кексалари тиббий кўрик ва текширувдан ўтказиш учун республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий марказларида, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув муассасалари клиникаларида 81 та маҳорат дарслари ўтказилиб, 4710 нафар кексага юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга, ҳудудий тиббиёт муассасалари амалиётига диагностика ва даволашнинг 48 та янги усул жорий этилган ҳолда 270 та кўргазмали мураккаб жарроҳлик операцияси амалга оширилди, 12217 нафар қарияга вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Қариялар учун юқори технологияли диагностика ва даволаш усулларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказларида, клиникаларида, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида 130 нафар беморда йирик бўғимларда реконструктив-тиклаш операциялари, 650 нафар беморда умуртқа поғонаси касаллигида консерватив терапевтик даволаш, 540 нафар беморда юрак-тож артерияларини стентлаш, 83 нафар беморда аорта-коронар шунтлаш, 735 нафар беморда катаракта ва 386 нафар глаукома билан оғриганларда кўзни сақлаб қолувчи операциялар, 537 нафар беморда пешоб тош касаллиги, простата безии аденомаси ва саратони касаллигида кам инвазив урологик операциялар, 125 нафар беморда қандли диабетнинг асорати сифатида юзага келган қон томирлари касалликларида юқори технологияли операциялар ўтказилиб, уларга қувонч бахш этилди. 210 нафар беморда эса ЛОР тизими касалликларини эрта аниқлаш мақсадида эндоскопик ва отомикроскопик текширув усуллари, 135 нафар синусит касаллигига чалинган беморда кам инвазив эндоскопик операциялар муваффақиятли бажарилди. Шу билан бирга "Дори-дармон" АК ҳомийлик маблағлари ҳисобига 8000 нафар ёлғиз пенсионер, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари 20 турдаги оғриқсизлантирувчи воситалар, гипотензив препарат ва бошқалардан иборат махсус дори-дармон йиғмалари (аптечкалар) билан бепул таъминланди. Шахсларнинг айрим гуруҳларини амбулатория шароитида даволаниш учун дори воситалари билан имтиёзли (бепул) таъминлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликларининг 2015 йил 28 апрелдаги 26/34-сонли қарори билан амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш учун мўлжалланган дори воситалари рўйхатига 8 турдаги медикаментоз киритилди ва тегишли қарор 2015 йил 30 апрелда Адлия вазирлигидан 2522-1 рақами билан рўйхатдан ўтказилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож қариялар орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида мурувват ёрдами орқали қабул қилинган 107,8 минг АҚШ долларига тенг бўлган 15 минг доза гриппга қарши ва 3,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 1,5 миллион доза В гепатитига қарши вакцина Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Давлат санитария-эпидемиология назорати марказларига тарқатилди. 23 мартдан 1 апрелгача 1-турда 200000 нафар фуқаро В гепатитига қарши эмлаш билан қамраб олинди, 23 апрелдан 1 майгача 2-тур эмлаш ўтказилди. 23 июндан 1 июлгача 2-3-тур билан кекса ёшдаги фуқаролар В гепатитига қарши эмланди. Қарияларни эмлаш жараёни 100 фоиз қамраб олинди.

Аҳолини, шу жумладан, кекса ёшдаги шахсларни бойитилган ун ва йодланган туз билан таъминлаш йўли билан овқатланишни яхшилаш ва микронутриент етишмовчилиги профилактикаси бўйича дастурни амалга ошириш борасида жорий йилда Германиянинг "Muhlenchemie GmbH & Co. KG." компаниясидан унни бойитиш учун 140 тонна витамин минерал аралашма сотиб олинди. Ҳисобот даврида республика бўйича "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясининг унни ишлаб чиқариш корхоналари, шу жумладан, хусусий тегирмонлар томонидан 1 миллион тоннага яқин минерал ва витаминлар билан бойитилган I навли ун аҳолига етказиб берилди.

Кекса ва эҳтиёжманд беморларга Тошкент тиббиёт академияси 1- ва 3-клиникалари, вилоят марказлари ва Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмалари базасида паллиатив даволашнинг махсус бўлимларини ташкил этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 1 апрелдаги 135-сонли буйруғи чиқарилди.

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлган инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига давлатимиз томонидан қаратилаётган бундай эътибор жамият тараққиётининг кундан-кунга равнақ топиб, ҳар бир соҳадаги фаолиятларнинг янада уйғунлашиб бораётганлигидан далолатдир.**

**www.minzdrav.uz сайтидан олинди.**

# НОВЫЙ МАММОГРАФ С НАИВЫСШЕЙ ЧУВСТВИТЕЛЬНОСТЬЮ РЕНТГЕНОВСКОГО ИЗОБРАЖЕНИЯ...

***В Республиканском онкологическом научном центре (РОНЦ) завершился монтаж высокотехнологичного цифрового маммографического комплекса Amulet S производства японской компании Fujifilm, сообщили в посольстве Японии в Ташкенте. Оборудование стоимостью 100 тысяч долларов США было поставлено в рамках программы японского правительства "Безвозмездная помощь социальным проектам малого масштаба". Грант-контракт по проекту был подписан в марте.***

В Узбекистане смертность женщин от рака молочной железы, как и во многих странах, находится на первом месте в структуре женской смертности от онкологических заболеваний и имеет тенденцию к росту. Заболеваемость раком молочной железы среди женщин со злокачественными новообразованиями в республике в 2014 году составила 24,2%. Одним из способов снижения смертности является скрининг, т. е. выявление ранних признаков заболевания, особенно у женщин, имеющих факторы риска к его развитию.

*"Появление в нашем центре современного маммографического комплекса является важным этапом в истории развития онкологии республики, поскольку означает переход на новую технологию в раннем выявлении опухолей молочных желез",* – **сказал на церемонии открытия кабинета цифровой маммографии в поликлинике РОНЦ директор центра профессор Саримбек Наврузов**.

Ежедневно в кабинет маммолога поликлиники РОНЦ обращается 40-50 женщин. Большинство из них нуждается в проведении маммографии с целью первичной диагностики или динамического контроля. Теперь пациенток будут обследовать при помощи маммографа, который обладает наивысшей в мире чувствительностью рентгеновского изображения.

*"Охрана здоровья материнства и детства является одной из сфер, которой правительство Японии придает важное значение",* – **заявил на церемонии посол Японии Фумихико Като.** *"Я надеюсь, что предоставленное маммографическое оборудование будет способствовать раннему выявлению рака молочной железы и внесет вклад в охрану здоровья женщин в Узбекистане",* – **отметил он.**



С 1995 года по программе "Безвозмездная помощь социальным проектам малого масштаба" в Узбекистане было реализовано 352 проекта на общую сумму свыше 23,38 млн долларов. В мероприятии принял участие первый замминистр Министерства здравоохранения Республики Узбекистан Асилбек Худаяров.

**Текст: "Газета.uz".**

## Миллий дастур амалда

# АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ НУФУЗИ ОШМОҚДА

***1997 йилдан бошлаб кучга кирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрнини мустаҳкамлашга билими, малакаси, интеллектуал салоҳияти билан ҳисса қўша оладиган мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилмоқда. Ушбу дастурга мувофиқ, мамлакатимизнинг барча вилоят, туман ва шаҳарларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бунёд этилди.***

Дунёнинг ривожланган давлатлари таълим тажрибасидаги илғор жиҳатларни ўзимизга қабул қилиш ва мослаштириш натижасида ўзбекистонлик ёшлар эришаётган муваффақиятлар билан фақат фахрланишимиз мумкин. Истиқлол йилларида турли олий ўқув юртлари қошида очилган академик лицейлар мақоми ва мавқеининг ошиши, ўқувчиларнинг ўз ихтисосликлари бўйича институт ва университетларда таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириши мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан чамбарчас боғланиб кетади. Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи фаолияти билан танишган киши бунга юз карра тўлиқ амин бўлади.

Замонавий меъморчилик услубида қад ростлаган ушбу таълим даргоҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 6 августдаги Ф-1045-сонли Фармони, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўша йил 10 августдаги 240-сонли буйруғига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, айни пайтда 948 нафар ўқувчига табиий фанлар чуқурлаштирилган ҳолда таълим берилади. Уларга 93 нафар педагог турли умумтаълим фанларидан дарс беришмоқда. Шундан 2 нафари фан доктори, 6 нафари фан номзоди, 28 нафари олий тоифали бўлиб, педагоглар таркибининг юқори илмий салоҳиятга эгалиги лицей ўқувчиларининг мунтазам равишда кимё ва биология фанлари бўйича халқаро олимпиада ғолиблари сафидан жой олиб келишига пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

**Таълим жараёнига комплекс ёндашиш**

Ўтган давр мобайнида ушбу таълим даргоҳида ўқувчиларга чуқур билим бериш, улардаги иқтидор ва истеъдодни юзага чиқариш, педагоглар касбий салоҳиятини ошириш бўйича катта тажриба тўпланди. Бунда таълим жараёнини ҳар жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилувчи барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Академик лицейда жами 41 та тўгарак бўлиб, шундан 35 таси фан, 6 таси спортга йўналтирилган.

Академик лицейга қабул қилинган аксарият ўқувчилар ўз олдига шундай мақсад қўядики, бу ерда яратилган мавжуд шарт-шароитдан фақат унумли фойдаланиш керак. Таълим масканида уч йил ўқиган ёшларнинг асосий қисми тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришга қарор қиладилар. 2012-2014 йилларда академик лицей битирувчиларидан 1324 нафари, яъни 75 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиндилар. 2015 йилги тест синови натижаларига кўра, лицейнинг аксарият ўқувчилари турли олий ўқув юртлари талабаси бўлишди.

Давлат миқёсида таълим тизимига қаратилаётган эътибор, Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолиги ва ғамхўрлиги туфайли ушбу академик лицей истиқлол йилларида ўз нуфузини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга эришди. Лицей раҳбарияти таълим сифати ва мазмунини ҳар жиҳатдан юксалтиришга замонавий талаблар бўйича ёндашиб, ўқувчиларга пухта билим беришнинг барча имкониятларини ишга солмоқда.

Таълим жараёнига ахборот-коммуникация воситаларини кенг жорий қилиш давр талабига айланган бир вақтда академик лицей ўқитувчиларининг бу борада амалга ошираётган ишлари тўғри йўлга қўйилган бўлиб, мавжуд 82 та компьютер воситасидан 58 таси ўқувчилар ихтиёрига берилган. Улар назарий ва амалий машғулот жараёнида бу технологиялардан унумли фойдаланадилар. Педагог-мураббий ва ходимлар ихтиёридаги 24 та компьютер базасида таълим жараёнига хизмат қилувчи турли электрон манбалар сақланади ва улар вақти-вақти билан янгиланмоқда. Бундан ташқари, лицей қошида ахборот-ресурс маркази фаолияти йўлга қўйилган. Унинг умумий китоб фонди 9643 та, шундан дарслик ва услубий қўлланмалар 7233 та. Илмий-оммабоп, сиёсий, бадиий адабиётлар, маъруза матнлари, электрон дарсликлар ахборот-ресурс марказида ўқувчилар ва ўқитувчилар учун асосий ўқув манбаси ҳисобланади.

"Таълим жараёнига комплекс ёндашиш" деганда, ўқитувчиларнинг ўз фанини пухта билиши, дунё миқёсидаги янгиликлардан бохабар бўлиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар мазмун-моҳиятидан хабардорлигининг ўқувчилар аудиториясига етказилишини тушуниш керак.

– Академик лицей узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғинидир. Бундай ўқув даргоҳлари турли олий ўқув юртларида ташкил этилган. Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейга кимё, биология, физика фанларига қизиқиши кучли бўлган иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади. Жорий ўқув йилида 338 нафар ўқувчи лицейимизни тамомлаган бўлса, янги 2015-2016 ўқув йилида турли умумтаълим мактабларининг 276 нафар ўқувчисини ўз бағримизга олдик. Албатта, уч йиллик таълим босқичида уларнинг ўзига хос истеъдодларини рўёбга чиқаришимиз керак. Умумий ўрта таълим мактабида пухта билим эгаллаган ўқувчилар биринчи ўқув йилидаёқ кўзга ташланиб, тенгқурларидан ажралиб турадилар. Биз уларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб, аввало, республика миқёсидаги ҳамда халқаро доирадаги фан олимпиадаларида нафақат иштирок этиш, балки ғолиб бўлиб қайтиши учун барча имкониятлардан фойдаланамиз. Истиқлол йилларида лицейимизнинг 62 нафар ўқувчиси халқаро доирадаги ҳамда жаҳон олимпиадаларида иштирок этиб, 5 та олтин, 7 та кумуш, 16 та бронза медали билан тақдирланиши нафақат Ўзбекистон, балки дунё миқёсида кузатилмаган ноёб ҳодиса бўлди. Биз, аввало, бу ютуқлар ўқитувчи-мураббийларимиз меҳнати маҳсули эканлигидан, қолаверса, иқтидорли, билимдон ўқувчиларни бизга тақдим этган умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг фаолиятидан мамнунмиз, – **дейди академик лицей директори, биология фанлари доктори, профессор Ортиқбой Эшонқулов.**

Дарҳақиқат, битта таълим даргоҳига тегишли бундай муваффақиятлар замирида оқилона бошқарув тизими, ўзаро баҳамжиҳат жамоанинг бир мақсад-муддао йўлидаги саъй-ҳаракати мужассамдир. Халқаро доирада қўлга киритилаётган ютуқлар заҳматкаш педагоглар меҳнатининг маҳсули эканлиги яна бир карра ҳақиқатдир.

**Бунақаси бўлмаган!**

Кимё, биология, физика фанлари азал-азалдан она заминимизда чуқур ўрганилган. Буюк ватандошимиз, тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино одам анатомиясини амалий жиҳатдан пухта ўрганганлиги туфайли минглаб касалликларни даволаган. Биз яшаётган даврга келиб, табиий фанларни чуқур ва пухта ўрганишга иштиёқманд ёшларни қўллаб-қувватлаш, излаб топиш, уларнинг айнан шу йўналишдаги олий таълим муассасаларида ўқишини давом эттиришига кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт, фармацевтика, стоматология институтлари ва уларнинг турли вилоятлардаги филиалларида мамлакатимиз тиббиёт, фармацевтика, стоматология соҳаси учун кадрлар тайёрланаётгани фикримизнинг яққол тасдиғидир. Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейда табиий фанларни ўқитишда тўпланган ва тўпланаётган илғор тажриба юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, халқаро доирада эътироф этилаётган ютуқларда бўй кўрсатиб турибди. Таълим муассасасида ўқиётган ўқувчиларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, устоз-мураббийлари берган сабоқ туфайли юқори натижани қўлга киритганлиги ҳақида фахр-ифтихор билан сўзлайди.

**Дилнора ЮСУПАЛИЕВА, Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси:**

– Болалигимдан кимё фанига қизиқаман. Рус кимёгар олими Д. Менделеев табиатда учрайдиган турли моддаларни аниқлаб, даврий жадвал тузганлиги дунё миқёсидаги буюк кашфиётдир. Ана шу олимнинг хотираси учун ўтказиладиган халқаро олимпиадада икки маротаба, яъни 2014-2015 йилларда, шунингдек, Боку шаҳрида ўтказилган 47-Халқаро кимё олимпиадасида иштирок этиб, бронза медаллари билан тақдирланишим, мен учун унутилмас воқеа бўлиб қолади. Бу, албатта, Юртбошимизнинг биз каби ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликлари ҳамда таълим олишимиз учун барча шароитларнинг мавжудлигидандир.

Қўлга киритган муваффақиятларим натижасида шу йили Тошкент педиатрия тиббиёт институтига имтиёзли қабул қилиндим.

**Сарвар ШОЮНУСОВ, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей 3-босқич ўқувчиси:**

– Тошкент шаҳридаги 49-



умумтаълим мактабини тамомлаганимдан сўнг ушбу таълим даргоҳида ўқишимни давом эттиряпман. Лицейда биз ёшларнинг пухта билимли, юксак ахлоқли бўлиб вояга етишимиз учун нимаики зарур бўлса, барчаси муҳайё. Аввало, мактабда эгаллаган чуқур билимимни ушбу таълим даргоҳида яна ҳам бойитиб, такомиллаштиришим, қўшимча ўқув манбаларини устозим Елена Александровна Дельяриди кўрсатмалари бўйича ўқиб-ўрганишим натижасида жорий йил Ереван шаҳрида ўтказилган 49-халқаро Д. Менделеев олимпиадасида бронза медали билан тақдирландим. Келажакда Тошкент педиатрия тиббиёт институтида таҳсил олиб, болалар шифокори бўлиш орзусидаман. Бунинг учун бизга сабоқ бериб, қалб нурини бағишлаган, билмаганларимизни ўргатиб, билганларимизни мустаҳкамлаган лицей ўқитувчиларидан миннатдормиз.

**Назария амалиётда мустаҳкамланади**

Ҳар қандай соҳа асосларини эгаллашда унинг назарий ва амалий жиҳатларини уйғунлаштириш лозим бўлади. Назарияни амалиётда синаб кўриш етук мутахассис тайёрлашнинг муҳим шартидир. Аадемик лицей ўқувчиларига аудиторияда бериладиган 80 дақиқалик назарий машғулотни амалий томондан мустаҳкамлаш зарурати мактаб педагогик жамоасини ҳамиша қизиқтириб келмоқда. Тўғри, лицейда амалий машғулотни ўтказиш учун ўқув-лаборатория жиҳозлари етарли. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув даргоҳлари учун нашр этилган дарслик ва қўшимча манбаларда лаборатория ишларини ўтказиш кўрсатмалари ҳам мавжуд. Аммо кимё, биология, физика фанлари асосларини чуқур ўзлаштирмоқчи бўлган ўқувчи мукаммал шаклдаги лаборатория ишларини мустақил бажара олиши керак. Айниқса, халқаро доирадаги фан олимпиадаларига тайёргарлик кўраётган ўқувчига бу талаб янада юқори қўйилади. Академик лицей маъмурияти ана шу мақсадда Ўзбекистон Фанлар Академияси тасарруфидаги ўсимлик моддалари кимёси институти тадқиқотчилари билан ҳамкорлик ўрнатишган.

**Бурхон ЭЛМУРОДОВ, Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли ўсимлик моддалари кимёси институти органик синтез бўлими мудири, кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим:**

– Ҳар қандай таълим даргоҳининг нуфузи ва рейтингини эришилаётган ютуқлари билан белгилашади. Биз билан ҳамкорлик ўрнатган академик лицей педагогик жамоаси эришаётган ютуқларга ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз. Органик моддалар хусусиятини ўрганиш бўйича ўтказиладиган лаборатория ишлари ноорганик моддаларникига нисбатан анча мураккаб бўлгани боис, биринчи навбатда ўқувчиларга техник хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни ўргатамиз. Кимёвий реакция ўтказилишидан аввал ҳар бир бола қўлига қўлқоп кийиб, кўзига кўзойнак тақиб олади. Органик моддалар канцероген (ўсма касаллиги ҳужайраларини қўзғатувчи) хусусиятга эга бўлгани учун ҳам ўта эҳтиёткорлик талаб қилинади. Ўқувчи лицейда органик моддаларнинг барча хусусиятларини назарий жиҳатдан ўрганган бўлса, амалий машғулотни аввал умумий тарзда кузатади. Сўнгра ҳар бир ўқувчининг мустақил равишда кимёвий реакция ўтказиши учун имкон яратамиз. Ўз кўзи билан кўриб бажарган лаборатория ишини бола биринчидан умрбод эслаб қолади, иккинчидан, олимпиада топшириқларини эгаллаган билим ва малакаси бўйича бекаму кўст бажара олади. Шу тариқа органик моддалар хусусиятини ўрганиш учун лаборатория ишларига ҳафтанинг маълум кунлари ажратилиб, 9-10 соатлик амалий машғулотда ўқувчи тўлиқ тушунчани эгаллайди. Якуний жараёнда ҳар бир болага рейтинг тизими бўйича балл қўйилади. Агар қайси ўқувчининг бали паст бўлса, юқори балл тўпламагунча лаборатория ишини бажартиришга масъулмиз. Тахминий ҳисобларга кўра, табиатда 50 миллионтадан зиёд органик модда бўлиб, биз институтимиз лаботориясида улардан маълум қисмининг таркибий хусусиятларини ўрганамиз. Ўрганиш жараёнида ўндан ортиқ кимёвий приборлардан фойдаланамиз.

**Машаққат ортидаги қувонч**

Меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан, меҳнатнинг таги роҳат, дейдилар. Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейида меҳнат қилаётган ҳар бир педагог бу нақлнинг аҳамиятини чуқур англайди. Ўқитувчи-мураббийлар ўз олдиларига давлат миқёсида қўйилаётган устувор вазифа – ҳам жисмоний, ҳам руҳий-маънавий жиҳатдан баркамол бўлган авлодни вояга етказиб, уларни таълимнинг кейинги босқичи ёки мустақил ҳаётга тайёрлашда касбий бурчларини виждонан уддаламоқдалар. Бунинг исботи эса эришилаётган юксак натижаларда кўриниб турибди.

**Ҳулкар КУЗМЕТОВА.**

*Долзарб мавзу*

# ФАРЗАНДИНГИЗ ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРМИ?

***Жамила бувисининг қўлида ўсди. Робия буви қизалоққа онаси йўқлигини билдирмасликка интилди. Бувисининг тарбиясини олган Жамила одобли, меҳнатсевар бўлиб улғайди. У ўн етти ёшга етганида совчилар кела бошлади. Қизни она меҳрига ташна қилмай вояга етказган Робия буви: “Беш куним борми, йўқми, эртароқ набирамнинг тўйини кўрай”, деб совчиларни рад қилмади. Тўй тараддуди бошланди.***

Бувисидан турмушга узатилаётганини эшитган Жамила ҳали ёш эканини, олий ўқув юртига кирмоқчилигини, келажакда бирор касбнинг бошини тутишини айтиб, тўйни рад этди. Бундан маҳалла фаоллари хабар топди. Фуқаролар йиғини, туман хотин-қизлар қўмитаси вакиллари Жамиланинг хонадонига келиб, бувисига вояга етмаган қизни турмушга узатишнинг ҳуқуқий, тиббий-ижтимоий оқибатларини батафсил тушунтирди. Маҳалла маслаҳатчиларининг тушунтириши ва Жамиланинг қатъияти билан эрта никоҳнинг олди олинди.

Ҳа, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг розилиги билан уларни никоҳлаш оила мустаҳкамлигини таъминлайди. Конституциямизнинг 63-моддасида “Оила – жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади”, дея белгилаб қўйилган.

– Қизларнинг эрта турмушга чиқиши кўпинча жиддий муаммоларни келтириб чиқаради, – **дейди психология фанлари номзоди, доцент Лутфилла Турсунов.** – Оила қуришга тайёр эмаслиги сабабли, бу ёшдаги қизларда қўрқув кучли бўлади. “Тайёрлаган овқатим бемаза чиқмадими, ишларни тўғри бажараяпманми?” деган саволлар унинг руҳан эзилишига олиб келади. Бу ҳолатни англаб етмаган баъзи қайноналар “келиним касал”, деб шифохонага чопади. Қизларнинг 21-22 ёшда турмуш қуриши энг муқобил даврдир. Бу ёшда бўлажак онада бош мия деярли тўла ривожланиб, унинг жисмоний ва руҳий ҳолати барқарорлашади. 22-27 ёш оралиғидаги аёл – етук шахс бўлиб, бу ёшда уларнинг ҳомиладорлиги нафақат исталган, балки ижтимоий қўллаб-қувватланган бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, оналикка тайёр бўлмасдан оила қуриш қизлар саломатлиги учун ҳар жиҳатдан хавфлидир. Бундай пайтда кўпинча туғруқ жараёнида ўлим хавфи ортади ёки руҳий касаллик пайдо бўлади. Бундан ташқари, эрта ёшда турмуш қуриб, тайинли касбга эга бўлмаган ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топиши мушкул.

– Эрта ҳомиладорликнинг олдини олиш жамият учун жуда муҳим, – **дейди Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ФҲДЁ бўлими мудири Сабоҳат Эшмуродова.** – Шу боис, бу борадаги қонунчилик асосларини такомиллаштириш зарурати туғилди. 2013 йил 30 апрелда кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига тегишли ўзгартишлар киритилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $47^3$-моддаси бўйича эндиликда никоҳ ёшига етмаган шахс билан амалда никоҳ муносабатларига киришиш энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинишга сабаб бўлади. Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача жарима солишга олиб келади.

Қонунда никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бундай ноқонуний фаолият билан шуғулланган дин пешволари энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача жаримага тортилади.

Айрим ота-оналар “Қизимни тезроқ турмушга берсам, бувиси ёки бобоси тўйини кўрарди”, “Ўзига тўқ хонадон экан, қизимиз бахтли бўлади”, деган қараш билан ўз фарзанди келажаги ҳақида “қайғуради”. Мана шундай ота-оналарга тушунтириш мақсадида барча туман, маҳаллаларда хотин-қизлар қўмитаси, мутахассислар иштирокида аҳоли вакиллари билан мунтазам равишда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Таълим даргоҳларида қиз болани барвақт турмушга бериш, эрта фарзанд кўриш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурлиги борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ўн учта касб-ҳунар коллежи, тўртта академик лицей фаолият кўрсатади. Мазкур таълим даргоҳларида ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш билан бирга, уларни оилавий ҳаётга тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Ёш оила қурувчилар мактаби”, “Никоҳ ва оила” тўгараклари шу мақсадда ташкил этилган. Бу тўгаракларда ўқувчилар педагоглар, психологлар, шифокорлар билан соғлом оилани шакллантиришнинг тиббий-ҳуқуқий асослари, никоҳ шартномасининг аҳамияти ҳақида очиқ мулоқотлар олиб бормоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги комиссиялар ҳамда таълим муассасаларида ташкил этилган «Ораста қизлар», “Маҳалламиз маликаси” мавзуларидаги машғулотлар қизларнинг билимини бойитиш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, тиббий саводхонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда коллеж ва лицейларда таҳсил олаётган қизлар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш, тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, таълим масканлари ҳамкорлигида бу йўналишда қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

– Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, оилаларда тиббий маданиятни кучайтиришга оид тарғибот-тушунтириш ишлари доимий олиб борилади, – **дейди Чилонзор туман ҳокимлигининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси бош мутахассиси Ширин Содиқова.** – Маҳаллаларда бешта йўналиш бўйича саломатлик секторлари шакллантирилган. Мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари ўртасида эрта никоҳнинг оқибатлари ҳақида давра суҳбатлари олиб бормоқдамиз. Яқинда туманимизда ўн нафар балоғат ёшига етмаган коллеж ўқувчисини турмушга бераётгани ҳақида маълумот олдик. Ушбу хонадонларга маҳалла фаоллари билан бориб, тушунтириш ишлари олиб бордик. Ота-оналарга эрта турмушнинг зарарларини ҳаётий мисоллар билан тушунтирдик. Натижада муаммо бартараф этилди.

**Соғлом фарзандни тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Шундай экан, ҳали балоғатга етмаган ёшларни турмушга бериш ёхуд уйлантириш оқибатида уларга жисмоний ва маънавий зарар етказиб қўймайлик.**

# ТИББИЙ ХИЗМАТ САМАРАСИ

***Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасининг туғруқ бўлими “Саломатлик-2” лойиҳаси асосида замонавий тарзда жиҳозланган.***



Бу ерда аёлларни туғруққа тайёрлаш, чақалоқларни турли юқумли касалликларга қарши эмлаш, гинекологик касалликларни аниқлаш каби ишлар малакали тиббиёт ходимлари томонидан сифатли бажарилмоқда. Оилаларда тиббий маданиятни ошириш, эрта никоҳ ва эрта туғруқнинг олдини олиш борасидаги тарғибот тадбирларига алоҳида эътибор қаратилган.

– Жорий йилнинг ўтган даврида муассасамизда 1 минг 500 га яқин соғлом фарзанд туғилди, – **дейди туғруқ бўлими мудираси Мухлиса Атаматова.** – Асосийси, яратилган шароитлар туфайли оналар ва болалар ўлими ҳолатлари рўй бермади.

# ҚОРОНҚУЛДА САЛОМАТЛИК КУНИ

***Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бермоқда.***

Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида Тошкент вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2015 йилда вилоятдаги айрим оилаларнинг ижтимоий шароити, психологик муҳити атрофлича ўрганилди. Минглаб кишилар тиббий кўрикдан ўтказилди. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни жисмонан соғлом ва маънан етук инсонлар қилиб вояга етказиш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган бундай ишлар изчил давом эттирилмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида, тегишли ташкилотларнинг малакали мутахассислари аҳоли, айниқса, вояга етмаган ўғил-қизларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиб, уларга соғлом турмуш тарзи ва уни тўғри шакллантириш бўйича тегишли тавсиялар, аниқланган касалликлар бўйича даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Бўстонлиқ туманидаги Қоронқул қишлоғида ташкил этилган “Саломатлик куни”да вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Файзиева ва бошқалар томонидан бу алоҳида таъкидланди. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилишини таъминлаш, оралиқ муддатни сақлаш, эрта туғруқларни бартараф этиш ҳамда аёллар спортини ривожлантириш мақсадида ўтказилган тадбирда қишлоқ врачлик пунктининг вазифалари ҳамда “Саломатлик сектори” фаолияти “Қоронқул” қишлоқ врачлик пункти мисолида намунали тарзда кўрсатиб берилди. “Саломатлик куни” доирасида “Соғлом турмуш тарзи – саломатлик гарови” шиори остида қоронқуллик 35 ёшдан юқори бўлган аёллар ўртасида спорт мусобақаси ҳам ўтказилди. Олти шарт бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

# ҲАМШИРАЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛАДИ

***Андижонда патронаж ҳамшираларининг касбий малакасини ошириш, фаолиятини янада такомиллаштириш, иш жараёнига илғор иш услубларини жорий этишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Вилоят ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари иштирок этди.

Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир.

– Семинарда асосий эътибор тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтириш борасидаги тарғибот ишларини кучайтириш масалаларига қаратилди, – **дейди Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Қудратбек Ёрқулов.** – Кейинги йилларда вилоятимизда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Профилактика ва тарғибот ишлари аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Малакали мутахассислар иштирокида ўтган семинарда шу йўналишда олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб, уларнинг сифат ва самарадорлигини янада ошириш, патронаж ҳамширалар фаолиятига илғор иш услубларини жорий этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида фикр-мулоҳаза алмашилди.

**Саҳифа ЎзА материаллари асосида тайёрланди.**

### Юртимиз шифохоналарида

# ҲАР БИР ИНСОН САЛОМАТ БЎЛСА...

***Инсон саломатлигини асраш, соғлом авлод туғилиши ва камолга етишини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юртимизда тиббий-ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидандир. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бу борада ишлаб чиқилган Давлат дастурларида белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани ўз самарасини бераётир.***




Истиқлол йилларида республикамизнинг барча ҳудудларида оилавий поликлиника хизмати тўла шаклланди. Поликлиникаларда оила шифокори фаолиятини йўлга қўйиш, шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, врач ва ҳамширалар малакасини ошириш бўйича қатор лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Бундай тадбирлар халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ўз самарасини бераётир.

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги 2-сонли оилавий поликлиникамиз жамоаси ҳам аҳолига тез ва самарали хизмат кўрсатишда, тиббий-ижтимоий ислоҳотларни ҳаётга изчил татбиқ этишда фаол иштирок этмоқдалар. Поликлиникада 139 нафар ишчи-ходим фаолият юритмоқда. Шундан 30 нафарини малакали шифокор ва 78 нафарини ҳамшира ташкил этади. Шифокорларимиз 10 та маҳалла, 28 та участка, 9 мингга яқин хонадон, 13 мингдан ортиқ оила ва 38 мингдан зиёд аҳолига малакали ёрдам кўрсатиб келмоқда. Тиббиёт масканида болалар, ўсмирлар ва катталар учун мўлжалланган тиббий хизмат йўлга қўйилган.

Ўтган йилда оилавий поликлиника биноси тубдан таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ҳозирда шу ернинг ўзида барча таҳлилларни ўтказиш ва беморни тўла соғломлаштириш учун ҳамма шароитлар мавжуд. Физиотерапия, ЭКГ, УЗИ хоналарида намунали хизмат ташкил этилмоқда. Шифо масканимиз "Саломатлик-3" лойиҳаси асосида 50 га яқин тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Натижада тиббий хизмат сифати ошиб, аҳолининг оилавий поликлиникаларга бўлган ишончи тобора ортмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори тиббиётнинг барча бўғинлари сингари оилавий поликлиникалар зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи ўн бир минг нафардан кўпроқ туғруқ ёшидаги аёл тўла тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг соғлиғини янада яхшилаш мақсадида поликлиника ҳузурида "Оналар мактаби" ташкил этилган. Бу ҳомиладор аёллар ва ёш оналарга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, маслаҳат ҳамда тавсиялар беришда муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда ҳомиладор аёллар соғлиғини назорат қилиш ва исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида шифокорлар томонидан хонадонларда, маҳалла ва таълим муассасаларида мунтазам тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Поликлиника ҳудудига қарашли маҳаллаларда истиқомат қилаётган туғруқ ёшидаги хотин-қизларимиз мунтазам тиббий кўрикдан ўтказилади. Хонадонлар ва маҳаллаларда соғлом турмуш тарғиботи бўйича доимий суҳбатлар олиб борилмоқда. Ушбу чора-тадбирлар натижасида ҳудуд аҳолиси ўртасида исталмаган ҳомиладорлик бўйича вазият барқарор сақланмоқда. Репродуктив саломатликни асраш бўйича кўрилаётган изчил чора-тадбирлар, ҳомиладор аёллар скринингга тўла жалб этилаётгани туфайли болалар ногиронлиги камаймоқда, оналар ва болалар ўлимининг олди олинаётир.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида бу йил ҳудудимизда истиқомат қилаётган қариялар, уруш қатнашчилари ва фронт ортида хизмат қилган фуқароларимизни тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш ва гепатит касаллигига қарши эмлаш ишлари бепул амалга оширилди. Бу жараёнда жамоамизнинг оилий тоифали шифокорларидан Светлана Евтюшкина, Болжон Абдуллаева, Роҳат Матниёзова, Саётхон Матқурбонова, Сайёра Шерова, Дилбар Рўзметова, Зулфия Искандаровалар фаоллик кўрсатиб келмоқдалар. Шунингдек, Муяссар Ҳайитбоева, Саломат Иброҳимова, Дилфуза Қосимова, Сайёра Атожонова, Сайёра Хўжаева ва Феруза Умарова каби ҳамшираларимизнинг меҳнат фаолиятидан кўпчилик миннатдор. Пойтахтимиздаги малакали мутахассислар вилоятдаги тажрибали шифокорлар билан ҳамкорликда "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида акция ташкил этди. Мазкур акцияда 350 нафарга яқин кекса ёшли отахону онахонлар, уруш ва меҳнат фахрийлари тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди.

Мазкур тиббий масканда аҳоли учун бир йилда камида бир марта тўла тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби йўлга қўйилган бўлиб, бунда поликлиника яқинида жойлашган корхона ва ташкилотлар, мактаб, коллеж, мактабгача тарбия муассасалари ишчи-хизматчилари, ўқувчилар ва болалар ҳам қамраб олинган. Бундан кўзланган мақсад аҳолининг саломатлигини мунтазам кузатиб бориш, хасталикларни барвақт аниқлаш, юқумли касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш ва беморга ўз вақтида ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Кўрилаётган чора-тадбирлар оила аъзоларининг тиббий-руҳий, жисмоний аҳволини мунтазам назоратга олиш, касалликларни барвақт аниқлаш ва самарали даволаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

**Буларнинг барчаси истиқлол туҳфа этган имкониятлар бўлиши билан бирга давлатимиз раҳбари томонидан тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини мунтазам оширишга қаратилаётган юксак ғамхўрлик ифодасидир. Бундай эътибор аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада соғлом фарзандлар туғилиши ва камолга етишини таъминлашда ўз самарасини беради.**

**Эргаш РЎЗИМОВ,**
**Урганч шаҳар 2-сон оилавий поликлиника бош шифокори.**
**Дилрабо ЖУМАТОВА, журналист.**

### Мероприятие

# ЗДОРОВАЯ МОЛОДЕЖЬ – БУДУЩЕЕ СТРАНЫ

***В Сурхандарьинской области прошел молодежный фестиваль под девизами «Что мы сделали для Родины?» и «Мы, молодежь, против наркомании и терроризма!».***

Под руководством Президента нашей страны особое внимание уделяется вопросам формирования физически здорового, духовно развитого молодого поколения, воспитания молодежи в духе любви к Родине, преданности идеям независимости, уважения национальных ценностей, а также поддержки и достойного стимулирования молодых талантов. С первых лет независимости эти задачи стали приоритетными направлениями государственной молодежной политики, которая является важным фактором ограждения молодежи от терроризма, религиозного экстремизма, наркомании и других деструктивных идей.

Воплощением проводимой в этом направлении работы стало и культурно-просветительское мероприятие, проведенное в Молодежном парке Сариасийского района хокимиятом области, Министерством по делам культуры и спорта Республики Узбекистан и другими организациями. Отмечалось, что успехи, достигаемые нашей молодежью в малом бизнесе и частном предпринимательстве, национальном ремесленничестве, сферах образования, науки, культуры, искусства и спорта, являются результатом независимости. Священный долг каждого нашего соотечественника – оберегать независимость как зеницу ока, самоотверженно трудиться во имя процветания Родины и благополучия народа.

– Мы гордимся успехами юношей и девушек нашего района, – говорит председатель Сариасийского районного совета ОДМ «Камолот» Икрам Жумаев. – В нашем районе много труднодоступных населенных пунктов, но несмотря на это имеются все условия для того, чтобы молодежь широко демонстрировала свой талант и потенциал. В распоряжении молодого поколения современные образовательные и медицинские учреждения, величественные сооружения детского спорта. Сегодняшнее мероприятие подтвердило, что наши юноши и девушки эффективно пользуются этими возможностями.

В рамках фестиваля прошла выставка творческих работ молодых художников и ремесленников.

Подобные мероприятия прошли также в городе Термезе, Денауском, Джаркурганском, Музрабадском и Шерабадском районах области.

**Холмумин МАМАТРАЙИМОВ.**

### Благодарность

# Спасибо за заботу и участие

Здоровье – это самое главное богатство, которое имеется у каждого из нас. И когда ты чувствуешь себя хорошо, то жизнь проявляется во всех ярких красках. Но порой в силу различных обстоятельств, оно подводит нас и в этот момент на помощь приходят врачи.

Недавно, по состоянию здоровья мы прошли курс лечения в отделении кардиоревматологии второй клиники Ташкентской медицинской академии. И сегодня мы хотим выразить слова искренней благодарности всему коллективу отделения, а особенно заведующему отделению М. Мирзиедову и лечащему врачу Н. Алимовой.

Когда мы обратились в данное медицинское учреждение, за помощью, нас очень хорошо приняли. Врачи внимательно изучив историю болезни, назначили все необходимые анализы. И сегодня, получив качественную медицинскую помощь, мы чувствуем себя очень хорошо.

Благодаря поддержке и постоянной заботе руководителя страны охрана здоровья населения является приоритетной задачей в республике. И для ее выполнения созданы все необходимые условия: самые современные технологии, качественные лекарственные препараты, а самое главное, профессионализм медицинских работников творит чудеса. Огромное им всем спасибо, желаем успехов в их нелегком труде.

**Мархамат ПУЛАТХОДЖАЕВА, г. Ташкент,**
**Мавлуда МАМАРАДЖАБОВА, г. Джизак.**

Самый большой дар и счастье, дороже которого пожалуй, нет ничего на свете – здоровье. А когда речь идет о здоровье ребенка, несомненно, ты готов отдать все, чтобы видеть искрящиеся глаза своего чада. И я, в очередной раз, убедился в этом, когда недавно у моего внука – Югай Станислава Юрьевича ухудшилось состояние здоровья. С недомоганием мы обратились в 5-клиническую детскую больницу, где нас очень хорошо приняли. При входе в данное медицинское учреждение, я обратил внимание на идеальную чистоту в помещении, медицинский персонал радушно принимает детишек и их родителей. А своевременно оказанная медицинская помощь, конечно же, положительно сказывается на улучшении состояния здоровья ребенка. Внимательно обследовав ребенка и поставив диагноз, врач назначил нам лечение, после чего уже через несколько дней Станислав начал выздоравливать. Профессия врача требует быть очень внимательным по отношению к пациенту, ведь иногда пациентом может быть и маленький ребенок, который не может объяснить, что с ним происходит. А это дело совсем не легкое.

Пользуясь случаем, хотелось бы поблагодарить весь коллектив 5-клинической детской больницы во главе с Д. Давлетовой за их профессионализм и ответственность своему делу. Пусть в их дружном коллективе всегда царит спокойствие, а им самим желаю крепкого здоровья и долгих лет жизни.

**Г. ШИН, г. Ташкент.**

## 2015 — Год внимания и заботы о старшем поколении

# ПРОЯВЛЕНИЕ ВЫСОКОГО ПОЧТЕНИЯ

***Указом Президента Ислама Каримова от 26 августа нынешнего года жительница махалли "Маданият" Шуманайского района Республики Каракалпакстан 100-летняя Бегзада-момо Шамуратова награждена медалью "Шухрат".***

Председатель Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан М. Ерниязов вместе с представителями государственных и общественных организаций, активистами махалли побывал дома у Бегзады-момо, поздравил ее от имени Президента нашей страны и вручил высокую государственную награду.

Б. Шамуратова долгие годы трудилась в поле, собирала хлопок, выращивала коконы. Воспитала четырнадцать достойных детей. В настоящее время почтенная мать проживает счастливую старость в окружении своих детей, 39 внуков и 39 правнуков.

*– Меня до глубины души тронуло то, что благодаря вниманию главы нашего государства я удостоилась подобной высокой награды, –* **говорит Бегзада-момо.** *– Глава нашего государства заботится о представителях старшего поколения, призывая к этому и других. Благодаря дальновидной политике Президента в нашей стране царят мир, изобилие и благополучие. Говорят, что молитвы пожилых людей будут услышаны. Так пусть будут вечными мир и спокойствие в нашей стране, а наша жизнь – еще благополучнее.*

**А. АРТЫКБАЕВ, корр. (УзА).**



## Здоровое поколение – будущее страны

# КАЧЕСТВЕННЫЕ МЕДИЦИНСКИЕ УСЛУГИ



**Многопрофильная центральная поликлиника Бухарского района на основе проекта «Здоровье-3» оснащена современным медицинским оборудованием.**



Опытные врачи и медсестры занимаются предоставлением первичной медицинской помощи, диагностикой, лечением. Под постоянным наблюдением находится здоровье матерей и детей. Регулярно проводятся мероприятия на темы «Молодые мамы», «Семья и брак».

**Фото Тахира ИСТАТОВА.**

**Ҳурматли муштарийлар!**

**Агар Сиз обуна бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, таҳририятнинг қуйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (8371) 233-13-22, 233-57-73.**

## Кладовая природы

# ВИТАМИНЫ НА ВАШЕМ СТОЛЕ

**Капуста, как культурный овощ, известна еще со времен Древнего Египта. У русских крестьян капуста и репа были главными овощами на столе. Полезные свойства капусты позволяют применять ее самым широким образом.**

Капуста содержит органические кислоты, белок, клетчатку, пектины, сахар, микроэлементы (особенно много калия), витамины (PP, P, U, C).

Капуста содержит достаточно высокое количество белка, в состав которого входят незаменимые и заменимые аминокислоты. По содержанию незаменимых аминокислот капуста мало уступает говядине.

Большое количество калия делает капусту особенно ценной в питании при сердечно-сосудистых заболеваниях.

Особенностью капусты является то, что аскорбиновая кислота (витамин С) содержится в ней виде аскорбигена, который устойчив к длительному хранению.

Следует выделить и такое ценное вещество капусты, как индол-3 карбинол. Это вещество улучшает работу обезвреживающей системы печени, что особенно актуально в условиях неблагоприятной экологической обстановки.

Экспериментально установлено, что в капусте содержатся фитонциды, губительные для многих микробов (в частности, стафилококков).

И конечно, ценна капуста витамином U – противоязвенным витамином, который ускоряет заживление язвы желудка и двенадцатиперстной кишки, старые раны и язвы на коже.

### ПОЛЕЗНЫЕ СВОЙСТВА КАПУСТЫ

Полезные свойства капусты обусловлены ее составом, о котором я писала выше. Можно выделить следующие свойства капусты:

– заживляющее свойство (применяется для лечения язв желудка, кишечника и пищевода, трофических язв на коже);

– противовоспалительное свойство (капусту применяют для полоскания горла, при заболеваниях суставов);

– витаминное свойство (в капусте содержится витамин С, даже при длительном хранении)

– послабляющее свойство (применяется при запорах, для очищения организма, при снижении веса);

– смягчающее и увлажняющее свойства (используется для ухода за кожей);

– мочегонное (применяется при отеках сердечного происхождения).

Благодаря своим полезным свойствам, капуста рекомендуется к применению при атеросклерозе, заболеваниях желудка, болезнях печени, для профилактики онкологии, при сердечно-сосудистых заболеваниях.

**При язвенной болезни желудка и двенадцатиперстной кишки** пьют капустный сок по 0,5-1 стакану перед каждым приемом пищи, растворив в капустном соке 1 чайную ложку масла шиповника или облепихи. Курс лечения – 1 месяц. Всего проводят два курса в год - весной и осенью.

**При запорах** смешайте 0,5 стакана сока капусты и 0,5 стакана свекольного сока, выпейте небольшими глотками перед сном.

**При ангине, ларингите, фарингите** хорошо помогает полоскание горла капустным соком, разведенным пополам с водой.

**При головной боли, мигрени** народная медицина рекомендует обложить голову свежими капустными листьями и полежать 30-60 минут в темной комнате с закрытыми глазами.

При заболеваниях суставов, подагре свежие капустные листья прикладывают к больным суставам на ночь.

**От застарелых мозолей, бородавок** существует такой капустный рецепт: возьмите 1-2 чистых капустных листа, порежьте их на кусочки, залейте уксусом (5-9%) (чтобы уксус слегка покрывал капустные листья) и оставьте в закрытой посуде на сутки. Через сутки лекарство готово – его привязывают на ночь к мозолям или бородавкам.

**При трещинах на пятках**: смешайте по 1 столовой ложке кашицу из капустных листьев и репчатого лука. Ноги подержите в теплой воде 15-20 минут. Затем промокните мягкой тряпочкой и нанесите на трещины капустно-луковую смесь. Забинтуйте и оставьте на ночь. Утром кашицу снимите, ополосните ноги прохладной водой и смажьте трещины детским кремом. Вечером повторите всю процедуру сначала.

**При аллергических поражениях кожи** делают компрессы из измельченного капустного листа, сваренного в молоке. Для этого доведите до кипения, опустите туда несколько чистых капустных листьев. Когда листья станут мягкими, откиньте их на дуршлаг, чтобы стекло молоко, измельчите. Полученную кашицу прикладывайте на кожу.

**При незаживающих ранах, трофических язвах** их сначала очищают, а затем делают компресс из свежих измельченных листьев капусты.

**Питательная маска для лица**: измельчите в блендере морковь и капустный лист, добавьте чайную ложку меда, сметаны или сливок. Все компоненты хорошо перемешивайте, нанесите на очищенную кожу лица. Через 15 минут смойте теплой водой.

**Маска для сухой кожи:** 1 чайную ложку жирных сливок смешайте с 1 чайной ложкой капустного сока и 0,5 чайной ложки меда. Смесь нанесите на лицо. Через 15 минут смойте теплой водой.

**Маска для жирной кожи:** возьмите 1 яичный белок, добавьте в него 1 чайную ложку сока капусты и сока огурца, осторожно перемешайте и нанесите на лицо. Через 15-20 минут смойте водой.

**Капусту нежелательно употреблять в пищу** при наличии камней в почках, желчном пузыре и склонности к камнеобразованию, а также при подагре.

**Л. ВОЛОШИНА.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул:
Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «*i*» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 4563 нусха.
Буюртма Г-958.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясi босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.